

**ҚАРШИ БОШ КАНАЛИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ АГРЕГАТЛАРИНИ
ИШГА ТУШИРИШ ЖАРАЁНИ ВА УЛАРДА ЗЎРИҚИШЛАРНИ
КАМАЙТИРИШ**

**REDUCING LOADS DURING THE START-UP OF PUMPING STATION
UNITS OF THE KARSHI MAIN CANAL**

Б. У. Уришев

т.ф.д., проф., Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти

М. Чулиев

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти Қарши филиали

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қарши бош каналнинг 1 – 6 насос станцияларидаги насослар ишга туширилганда максимал гидродинамик босим пульсацияси йўналтирувчи аппаратдан чиқиш зонасида юзага келиши, унинг қиймати меъерий ишчи режимдаги қийматга нисбатан 5,0 - 6,5 баробар катта бўлиши ва напорнинг 60 – 83 % ини ташкил қилиши, насосларни ишга туширишда босим қувурида ҳавонинг чиқиб кетишида муаммолар туфайли насос ҳавфли бўлган помпаж режимига тушиб қолиши баён қилинган.

Калит сўзлар. Насос станциялари, агрегатлар, иш режими, босим, босимли қувурлар, сўрувчи қувурлар, электро двигател, прраклар.